



TOSHKENT DAVLAT  
IQTISODIYOT UNIVERSITETI

BIG  
DATA

# RAQAMLI IQTISODIYOT VA AXBOROT TEXNOLOGIYALARI

ELEKTRON ILMIY JURNALI MAXSUS SON/2



**РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ВА АҲБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**  
**DIGITAL ECONOMY AND INFORMATION TECHNOLOGY**  
Илмий электрон журнал | Scientific electronic journal

**МУАССИС | FOUNDER**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
Tashkent State University of Economics

**ТАҲРИР КЕНГАШИ РАИСИ | CHAIRMAN OF THE EDITORIAL BOARD**

Шарипов Конгратбой Аvezimbetovich – т.ф.д., профессор  
Sharipov Kongratboy Avezimbetovich – doctor of technical sciences, professor

**БОШ МУҲАРРИР | EDITOR-IN-CHIEF**

Абдуллаев Мунис Курбонович – и.ф.ф.д. (PhD), доцент  
Abdullahayev Munis Kurbonovich – PhD, docent

**БОШ МУҲАРРИР ЎРИНБОСАРИ | DEPUTY CHIEF EDITOR**

Вафоев Бобуржон Расулович – и.ф.н., доцент  
Vafoev Boburjon Rasulovich – PhD, docent

**МАСЬУЛ КОТИБ | EXECUTIVE SECRETARY**

Л.А. Аблазов | Ablazov L.A.

**ВЕБ-АДМИНИСТРАТОР | WEBMASTERS:**

Н.Я. Нурсайдов, А.Ш. Махмудов | Nursaidov N.Ya., Makhmudov A.Sh.

**ТАҲРИРИЯТ АЪЗОЛАРИ | EDITORIAL BOARD**

С.С. Гулямов – и.ф.д., академик.  
Б.А. Бегалов – и.ф.д., профессор.  
М.П. Эшов – и.ф.д., профессор.  
О.Қ. Абдурахмонов – и.ф.д., доцент.  
К.Б. Ахмеджанов – и.ф.д., профессор.  
И.М. Алимарданов – и.ф.д., доцент.  
Р. Салиходжаев – и.ф.ф.д. (PhD).  
Проф. Холназар Амонов (Чехия).  
Проф. Ҳамид Эргашев (Англия).  
Проф. Карина Татек Банетти (Чехия).  
Проф. Одиложон Абдураззаков  
(Германия).  
Проф. Эко Шри Маргианти  
(Индонезия).  
Проф. Дмитрий Назаров (Россия).  
Проф. Н.М. Сурнина (Россия).  
Проф. Марк Розенбаум (АҚШ).  
PhD. Абдул-Рашид (Афғонистон).

PhD. Аҳмад Моҳамед Азиз Исмоил  
(Миср)  
PhD. Бекзод Саидов – (АҚШ).  
А.А. Исмаилов – и.ф.д., профессор.  
И.Е. Жуковская – и.ф.д. (DSc),  
профессор.  
Т.С. Кучкоров – и.ф.д. (DSc),  
профессор.  
Р.А. Дадабаева – и.ф.н., доцент.  
Ш.И. Ҳашимходжаев – и.ф.н., доцент.  
А.А. Абидов – т.ф.н., доцент.  
И.М. Абдуллаева – и.ф.н., доцент.  
Н.Б. Абдусаломова – и.ф.д. (DSc),  
профессор.  
Р.Х. Насимов – т.ф.н., доцент.  
А.Б. Бобожонов – и.ф.ф.д. (PhD).  
С.О. Ҳомидов – и.ф.ф.д. (PhD).  
Ш.С. Егамбердиев – и.ф.ф.д. (PhD).

## МУНДАРИЖА

<b>Шарипов Конгратбай Аvezimbetovich, Каримова Ширин Зохид қизи</b> ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ .....	6
<b>Eshov Mansur Po'latovich, Abdullayev Munis Kurbonovich, Rizayeva Farangiz Xoldorovna</b> BLOCKCHAIN TEKNOLOGIYALARINING OLIY TA'LIM TIZIMIDA QO'LLASH AFZALLIKLARI .....	11
<b>Абдурахмонова Гулнора Қаландаровна, Зарипов Баҳодир Бобомурод ўғли</b> ТИЗИМЛИ ЁНДАШУВ АСОСИДА БУЛУТЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ХИЗМАТЛАРИНИ ТАНЛАШ БҮЙИЧА ҚАРОРЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МЕТОДОЛОГИЯСИ .....	19
<b>Yuldashev Maqsudjon Abdullayevich, Maxmudov Abbos Sherali o'g'li, Homidov Hamdam</b> <b>Hasan o'g'li</b> IQTISODIYOTNI RIVOJLANTIRISHDA RAQAMLI TEKNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH SAMARADORLIGI .....	26
<b>Акбаров Нодир Гафурович, Вафоев Бобуржон Расулович, Юсуфжанов Нурмуҳаммад</b> <b>Жаҳонгир ўғли</b> СПОРТ МАРКЕТИНГИННИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ .....	33
<b>Abduvohidov Abdumalik Mahkamovich, Parpieva Rano Abdurasulovna</b> FOREIGN EXPERIENCE IN ORGANIZING REMOTE BANKING SERVICE .....	39
<b>Abdulakhmatov Muzaffar Mashrabjon ugli, Jaloliddinova Madina Sirojiddin kizi</b> THE MAIN IMPACTS OF DIGITAL TRANSFORMATION ON SMALL TO MEDIUM-SIZED BUSINESS ENTERPRISES .....	43
<b>Абдуллаев Мунис Курбонович, Абдурахмонова Барно</b> РАҶАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ .....	48
<b>Абидов Абдужаббор Абдухамидович</b> ДИАГНОСТИКА СОСТОЯНИЯ И ВОССТАНОВЛЕНИЯ РАБОТОСПОСОБНОСТИ СИСТЕМ РЕАЛЬНОГО ВРЕМЕНИ .....	54
<b>Алимов Раимжон Ҳакимович, Шамсиева Ф.М.</b> ҚИШЛОҚ ҲЎЖАЛИГИГА КИРИТИЛАЁТГАН ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ МЕВАСАБЗАВОТ ЕТИШТИРИШГА ТАЪСИРИНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ ВА ПРОГНОЗЛАШ .....	59
<b>Амирор Лочинбек Файзуллаевич, Аскарова Мавлуда Турабовна</b> СТРАТЕГИЧЕСКИЕ ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ АГРАРНОГО СЕКТОРА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН .....	65
<b>Ахунова Маърифат Ҳакимовна</b> ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ РАҶАМЛАШУВИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР .....	74
<b>Ashurov Zufar Abdulloevich, Butikov Igor Leonidovich</b> MULTIPLE LISTING SERVICE – A DIGITAL TECHNOLOGY FOR REAL ESTATE MARKET OF UZBEKISTAN .....	78
<b>Бекмуродов Н.Х.</b> ИНСОН РЕСУРЛАРИНИ СТРАТЕГИК БОШҚАРИШДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА УЛАРНИ ТАТБИҚ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ .....	82

<b>Davletova Durdona, Buranova Jazira</b>	
DIGITAL ECONOMY: INFLUENCE IN ECONOMY DURING THE PANDEMIC .....	86
<b>Дадабаева Раъно Акрамовна</b>	
ФОРМИРОВАНИЕ СТРАТЕГИИ ОРГАНИЗАЦИИ В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛИЗАЦИИ ..	91
<b>Jamalova Gulnora Gulomovna, Aymatova Farida Khurazovna</b>	
DIGITAL ECONOMY AS A NEW PERIOD OF GLOBALIZATION .....	94
<b>Жаҳонгиров Илимдоржон Жаҳонгиржон ўғли</b>	
МАМЛАКАТИМИЗДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ МУАССАСАЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ .....	100
<b>Zhukovskaya Irina Evgenievna, Khashimkhodzhaev Sharafutdin Ishankhodzhaevich</b>	
THE MAIN DIRECTIONS FOR IMPROVING THE QUALITY OF HIGHER EDUCATION IN THE CONTEXT OF DIGITAL TRANSFORMATION .....	109
<b>Зарипова Мукаддас Джумайёзовна</b>	
ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАР ТАРКИБИ СИФАТИНИ БАҲОЛАШ КЎРСАТКИЧЛАРИ ВАЗН КОЭФФИЦИЕНТЛАРИНИ АНИҚЛАШДА ЭКСПЕРТ СЎРОВ УСУЛИДАН ФОЙДАЛАНИШ .....	114
<b>Karimova Shirin Zohid qizi</b>	
ELEKTRON TIJORAT DO'KONLARIDA 3D TEKNOLOGIYALARINI QO'LLASH .....	125
<b>Касимов Азамат Абдукаримович</b>	
САНОАТ 4.0 НИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА УНИНГ ИҚТИСОДИЁТНИ РАҚАМЛАШТИРИШДАГИ ЎРНИ .....	129
<b>Кодиров Фаррух Эргаш ўғли, Мухитдинов Х.С.</b>	
АҲОЛИГА ТИББИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШДАН ОЛИНГАН ДАРОМАД ВА ХАРАЖАТЛАРНИ БИЗНЕС ИННОВАЦИОН МОДЕЛИ .....	136
<b>Кулматова Сайёра Сафаровна, Рихсимбаев Одилжон Кабилджанович</b>	
ВОПРОСЫ ЦИФРОВИЗАЦИИ МАШИННО-ТРАКТОРНЫХ ПАРКОВ В СЕЛЬСКОМ ХОЗЯЙСТВЕ .....	142
<b>Kuchkarov Tahir Safarovich, Sultanov Ruslan Rustamovich</b>	
RESEARCH AND DESIGN STRUCTURE AND FORMAL MODEL OF INFORMATION SYSTEM FOR MANAGING EDUCATIONAL SYSTEM AND E-CONTENT DESIGN BASED ON ELEMENTS OF ARTIFICIAL INTELLIGENCE .....	147
<b>Мирзакаримова Мухаббатхон Махмуд қизи</b>	
БАРКАМОЛ АВЛОД БОЛАЛАР МАКТАБЛАРИ ТИЗИМИ УЧУН МУЛЬТИМЕДИАЛИ МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ ПЛАТФОРМАСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ .....	156
<b>Назаров Дмитрий Михайлович, Шкрадюк А.Д.</b>	
ТЕХНОЛОГИЯ OSINT: ОБЗОР СЕРВИСОВ С ОТКРЫТЫМ ИСХОДНЫМ КОДОМ .....	167
<b>Nuraliev Faxriddin Murodillaevich, Giyosov Ulugbek Eshpulatovich, Ibodullaev Sardor Narsiddin o'g'li</b>	
TA'LIMNING VIRTUAL OLAMDAGI KO'RINISHI UCHUN 3D OBEKLTLARNI JOYLASHTIRISH VA FOYDALANISH USULLARI .....	172

<b>Nursaidov Nurmukhammad Yashnar ugli</b>	
USING MOBILE DEVICES FOR LANGUAGE LEARNING .....	177
<b>Olimov Maksudjon Komiljon ugli</b>	
SPECIFIC CHARACTERISTICS OF MODERNIZATION OF INDUSTRIAL PRODUCTION BRANCHES AND IMPLEMENTATION OF “INDUSTRY 4.0” CONCEPT .	183
<b>Ортиков У.А.</b>	
СУЩНОСТЬ И НЕОБХОДИМОСТЬ ПОВЫШЕНИЯ ПРОИЗВОДИТЕЛЬНОСТИ ТРУДА В ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКЕ .....	188
<b>Отажанов Умид Абдуллаевич, Нуруллаева Шахноза Тохтасиновна, Сайдуллаева Саодат, Исакова Наима</b>	
ҲУДУДЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИНИ ЗАМОНАВИЙ БАҲОЛАШ УСУЛИНИ ТАДБИҚИ .....	193
<b>Паязов Мурод Максудович</b>	
ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИ РАҶАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР .....	201
<b>Пилипенко Елена Федоровна, Белалова Гузаль Анваровна</b>	
ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИЙ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА В МАРКЕТИНГОВОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПРЕДПРИЯТИЙ .....	207
<b>Рӯзиева Диlobар Исомжоновна</b>	
РАҶАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РАҶАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ .....	214
<b>Сабиров Ойбек Шавкатбекович, Эргашова Наргиза Бобохоновна</b>	
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА РАҶАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ .....	219
<b>Сайдназаров Фирдавс Абдуллоевич</b>	
КОРХОНАЛАРДА УЗОҚ МУДДАТЛИ МОЛИЯВИЙ СТРАТЕГИЯНИНГ АМАЛИЙ- УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ (Ўзбекгидроэнерго АЖ мисолида) .....	227
<b>Салайев Расул Шавкатович</b>	
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА РАҶАМЛИ АКТИVLAR МУОМАЛАСИННИНГ КОНЦЕПТУАЛ ЁНДАШУВЛАРИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ .....	237
<b>Темиров Абдулазиз Алимжанович</b>	
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ ФАОЛИЯТИГА РАҶАМЛИ БОШҚАРУВНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ .....	249
<b>Тўҳсанов Қудратилло Нозимович</b>	
ПАНДЕМИЯДАН КЕЙИНГИ ДАВРДА РАҶАМЛИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ИМКОНИЯТЛАРИ .....	254
<b>Файзиева Муяссарзода Ханчаровна</b>	
РАҶАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИГА ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ .....	259
<b>Файзулаева Нилуфар Садуллаевна</b>	
ИНТЕРНЕТ-ТЕХНОЛОГИИ И РАЗВИТИЕ ОБРАЗОВАНИЯ .....	268
<b>Хашимова Дилёра Паҳритдиновна, Мирзиёдова Гульнозахон Аюбхон кизи</b>	
ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИНСТРУМЕНТОВ ЦИФРОВОГО МАРКЕТИНГА ДЛЯ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ ПРОЦЕССА ПРОДВИЖЕНИЯ ТОВАРОВ ТОРГОВОГО ПРЕДПРИЯТИЯ .....	272

<b>Хидиров Темур Қаҳрамон ўғли</b>	
СУТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ КОРХОНАЛАРИНИ РАҶАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА КЛАСТЕР ТИЗИМИ АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ .....	278
<b>Xodjayeva Mavlyuda Sabirovna, Saydakhmedova Barno Batirovna</b>	
TA'LIMDA RAQAMLI TEKNOLOGIYALARDAN SAMARALI FOYDALANISHNING АНАМИYATI .....	285
<b>Хужакулов Хайтмурат Джавлиевич, Аюбжанов Аббас Хасилович</b>	
ЎЗБЕКИСТОНДА ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИ РИВОЖЛАНИШИНИ СТАТИСТИК БАҲОЛАШДА РАҶАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ....	293
<b>Хакимова Мухаббат Файзиевна, Тўрабеков Фарход Санақулович</b>	
ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМ МУҲИТИДА АРАЛАШ ЎҚИТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	300
<b>Shermuxamedov Abbos Toirovich, Ablazov Lazizbek Abdijosimovich</b>	
OLIY TA'LIMDA BULUT TEKNOLOGIYALARING IMKONIYATLARI .....	306
<b>Shoaxmedova Nozima Xayrullayevna, Abdullaeva Iroda Maxmudjanovna, Mannanova</b>	
Shaxida Gaybullayena, Yusupova Dilbar Mirabidovna	
SUN'IY INTELLEKT YORDAMIDA SOXTA KONTENTLARNI ANIQLASH USULLARI ..	311
<b>Юлдашев Абдухаким Абдукаримович</b>	
КИЧИК ЁФ-МОЙ КОРХОНАЛАРИДА ТАЪМИНОТ ЗАНЖИРИНИ БОШҚАРИШДА РАҶАМЛИ ЛОГИСТИК ЭКОТИЗИМЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ САМАРАДОРЛИГИ .....	317
<b>Yuldasheva Nilufar Abduvakhidovna</b>	
THE CONCEPT OF THE STRATEGY OF INNOVATIVE AND TECHNOLOGICAL DEVELOPMENT OF INDUSTRIAL ENTERPRISES IN THE DIGITAL ECONOMY .....	322
<b>Юлдошев Улугбек Аскар ўғли</b>	
РАҶАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ СОҲАСИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК .....	327
<b>Юсупов Мухиддин Соатович</b>	
УКРЕПЛЕНИЕ ПРОДОВОЛЬСТВЕННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ ПУТЕМ РАЗВИТИЯ ЦИФРОВОГО И УМНОГО СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА В УЗБЕКИСТАНЕ .....	334
<b>Юсупов Мансур Махамаджон угли, Шоахмедова Нозима Хайруллаевна</b>	
АНАЛИЗ СОВРЕМЕННОГО СОСТОЯНИЯ КИБЕРБЕЗОПАСНОСТИ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН .....	345
<b>Якубов Максадхон Султаниязович, Шарифжанова Нилюфар Муратжановна</b>	
МЕХАНИЗМЫ РЕАЛИЗАЦИИ МЕТОДОЛОГИИ УПРАВЛЕНИЯ В СИСТЕМЕ ПОДГОТОВКИ РАЗРАБОТЧИКОВ ПРОГРАММНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ .....	352
<b>Асадов Жасур Абдужабборович</b>	
РАҶАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА АҲОЛИНИНГ МОЛИЯВИЙ САВОДХОНЛИГИНИ ОШИРИШГА ОИД ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА .....	361
<b>Homidov Hamdam Hasan o'g'li, Vafoyev Boburjon Rasulovich, Maximov Abbos Sherli o'g'li</b>	
SUN'IY INTELLEKT TEKNOLOGIYALARINI QISHLOQ XO'JALIGI FAOLIYATIDA TADBIQI .....	367
<b>Norboeva Nafisa Erkinovna</b>	
EFFICIENT USE OF CLOUD TECHNOLOGIES IN THE ACTIVITIES OF ENTERPRISES AND ORGANIZATIONS .....	372

## ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

**Шарипов Конгратбай Авезимбетович**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректори, т.ф.д., профессор  
*rector@tsue.uz*

**Каримова Ширин Зохид қызы**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети таянч докторанти  
*gafurova.sladkaya.1996@mail.ru*

### **Аннотация**

Мақолада электрон тижоратнинг мазмун моҳиятини очиб берувчи фикр мулоҳазалар, шунингдек мазкур фаoliyatning ҳозирги кундаги ҳолати, унинг имкониятлари, келажакдаги истиқболлари, ҳамда соҳанинг ривожланишида тўсиқ бўлувчи омилларни бартараф этиши йўллари қисқача ёритиб ўтилган.

### **Калилти сўзлар**

электрон тижорат, ахборот-коммуникация технологиялари, онлайн дўйонлар, online-banking, интернет-маркетинг

### **Кириш**

Ҳозирги кунда жадаллик билан ривожланаётган мамлакатларда жамият ҳаётини тизимлаштириш ва ҳаёт тарзини яхшилаш учун, ахборот-коммуникация технологияларига (АКТ) бўлган эҳтиёжи катта суръатлар билан ошиб бораюпти. Иқтисодий ўсишнинг фаоллашуви, дунё аҳолиси яшаш даражасининг яхшилиниши ахборот технологияларининг кундалик ҳаётимизга сингиб кетагани натижасидир. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики эркин ахборот оқимининг тез сураътлар билан ўсиши бозор иқтисодиётiga ўтишни тезлаштиради ва жамият фаровонлигини оширади.

Ахборот технологияларининг юкори даражадаги тез ривожланиши иқтисодиётда ҳам ўз аксини топмай қолмайди. Ҳозирги кунда ҳар қандай соҳада, айниқса тадбиркорлик, бизнес каби соҳаларида эришилаётган ютуқлари негизида айнан ахборот-коммуникация технологиялари турли сегментларининг юкори даражада ривожланганлиги, кенг ва самарали қўлланиши ётади. Ўзбекистон иқтисодиёти ҳам бундан мустасно эмас албатта.

Яққол мисол сифатида ахборот-коммуникация технологияларининг бир қатор имкониятлари масалан, маълумотлар етказиш тармоқлари, ахборот интернет-ресурслари ва улар орасидаги электрон ҳужжат алмашув, online-banking, электрон тўлов тизимларининг кўпайиши, электрон пул маблағларининг кенг миқёсда хавфсиз айланиши, бизнес ва тижоратнинг барқарор ривожланаётганини келтириш мумкин.

### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Л.И. Архипов, В.Н. Бабич ва Е.А. Кириллова тадқиқотларида охирги 30 йил ичидаги инсоният томонидан яратилган маълумотлар ҳажми аввалги 3 минг йилликдаги ҳажмга тенг ва тез суръатларда ўсишда давом этмоқда ҳамда шу тариқа сунъий интеллектдан фойдаланмасдан самарага эришиш мумкин бўлмаган улкан маълумотлар массивларини (Big Data) ҳосил қилиши етарлича ёритиб берилган [2, 3].

Н.В. Городнова томонидан электрон тижораталгоритмларини инсон ҳаётига қўшимча имкониятларга эга ёрдамчи сифатида киритиш бундай интеграциянинг асосий устунлигини олиш имконини бермеш – бу нафақат қарор қабул қилиш жараёнини тезлаштириш, балки уларнинг сифатини сезиларли даражада яхшилашга олиб келиши асосланган [5].

Б.В. Жилин, О.А. Сафаръянларнинг тадқиқотларида бугунги кунда компанияларнинг 37 фоизи алгоритмик хизматлар ва электрон тижорат технологияларидан фойдаланиши, бу келажакда янги юкори интеллектли технологиялардан фойдаланиш имкониятлари доимий равишда ошиб боришидан далолат бериши ёритиб ўтилган [6].

Л.И. Архипов томонидан 2018 йилда дунёда Big Data ва бизнес-аналитика хизматларидан фойдаланишдан тушган даромад ҳажми 168,8 миллиард АҚШ долларини ташкил этиши, прогнозга кўра, 2022 йил охирига бу кўрсаткич 274,3 миллиард АҚШ долларидан ошиши таҳлиллар асосида ёритиб берилган [2].

Бугунги кунда бизнес соҳасида қўлланиладиган электрон тижоратхизматларининг асосини онлайн-дўконлар ва виртуал ёрдамчиларнинг (масалан, Alex, Cortan ва Siri) электрон тижоратбўйича тавсиялари ташкил этади [7].

Электрон тижоратконтентни фойдаланувчининг афзалликлари ва оммабоплигига кўра саралайди, матнларни танийди, тушунади ҳамда мустақил равишда ёзди, спамларни фильтрлайди ва блоклайди, инсон нутқини танийди, одамларни фотосурат, селфи ва бошқа усуслар билан аниқлайди. Бу иқтисодчилар ва экспертларни бундай таъсирининг салбий оқибатлари тўғрисидаги чекланган маълумотлар туфайли сунъий интеллектнинг меҳнат бозорига таъсири ҳақида қарама-карши хуносаларга олиб келади [5, 8].

Шунингдек, мижозлар билан мулоқот қилиш учун электрон тижораткомпаниялари ўзаро алоқада бўлган ва саволларга жавоб берадиган чатботлардан фойдаланадилар. Электрон тижораттизимлари телекоммуникация хизматларини кўрсатишида, автомобилсозлик ва молия секторида фаол қўлланилади. Ушбу технологиялар чакана савдо тармоқларида, FMCG (fast moving consumer goods) ишлаб чиқаришида, медиа-бизнесда ва бошқаларда ҳам жорий этилмоқда [9, 10].

Юқоридагиларга асоланган ҳолда бугунги кунда бизнес фаолиятни риводлантириш, мижозлар билан ўзаро мулоқот қилиш, ҳар бир жараённи тезкорлик билан таҳлил қилиш ва қарорлар қабул қилиш жараёнларини тезлаштиришда электрон тижораттизимларидан фойдаланишни тақозо этади.

### Тадқиқот методологияси

Бугунги кунда замонавий бизнеснинг турли соҳаларида электрон тижорат платформалари ва хизматларини татбиқ этиш натижаларини ўрганиш бўлиб, бу электрон тижорат тизимларини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишларини аниқлаш имконини берди. Рақамли иқтисодиёт ва электрон тижоратнинг ҳаётда кенг қўлланилиши билан боғлиқ асосий муаммолар, хавф ва таҳдидлар жамият, шахс ва давлат миқёсида уларни жорий этиш аҳамияти ёритилди. Електрон бизнес хизматларини жорий этишнинг асосий мақсади технологик ва бизнес жараёнларида факат харажатларни қисқартириш емас, балки инсон меҳнати самарадорлигини ва умуман бизнес самарадорлигини оширишdir.

### Таҳлил ва натижалар

Бизнеснинг турли соҳаларида электрон тижоратдастурлари ва хизматларини татбиқ этиш натижаларини ўрганиш бўлиб, бу электрон тижораттизимларини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишларини аниқлаш имконини берди. Электрон тижоратва ахборот технологияларининг ҳаётда кенг қўлланилиши билан боғлиқ асосий муаммолар, хавф ва таҳдидлар жамият, шахс ва давлат миқёсида уларни жорий этиш аҳамияти ёритилди. Электрон тижоратхизматларини жорий этишнинг асосий мақсади технологик ва бизнес жараёнларида одамни тўлиқ алмаштириш эмас, балки инсон меҳнати самарадорлигини ва умуман бизнес самарадорлигини оширишdir.

### 1-жадвал

#### 2019 йилга келиб электрон савдо айланмаси умумий ҳажмининг мамлакатлар бўйича улуши (АҚШ долларида)

Rank	Economy	Total e-commerce sales (\$ billion)	Share of total e-commerce sales in GDP (%)	B2B e-commerce sales (\$ billion)	Share of B2B e-commerce sales in total e-commerce (%)	B2C e-commerce sales (\$ billion)
1	United States	8,640	42	7,542	87	1,098
2	Japan	3,280	66	3,117	95	163
3	China	2,304	17	943	41	1,361
4	Korea (Rep.)	1,364	84	1,263	93	102
5	United Kingdom	918	32	652	71	266
6	France	807	29	687	85	121
7	Germany	722	18	620	86	101
8	Italy	394	19	362	92	32
9	Australia	348	24	326	94	21
10	Spain	333	23	261	78	72
10 above		19,110	35	15,772	83	3,338
	World	25,648	30	21,258		4,390

Ўзбекистон учун ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамият ҳаётини тизимлаштириш жараёнини таъминлашда мухим аҳамият касб этади. Бу жараён, ахборот технологиялари соҳасида таълим стандартларининг ошиши, миллий телекоммуникация тармоқларининг модернизациялашуви, ҳуқукий базанинг шаклланиши, ҳокимият органларида бошқарув тизимларининг кенг татбиқ этилиши, транспорт-алоқа тизимларининг автоматлаштирилиши ва кўплаб соҳалар фаолиятини тизимли равишда ташкил этишда ўз аксини топади.

“Электрон тижорат” термини EDI (Elektronic Data Interchange – маълумотларни электрон алмашиш), электрон почта, интернет, интранет (компания ичида ахборот алмашиш) ва экстранет (ташкил дунё билан ахборот алмашиш) каби технологияларни ўз ичига олади.

Электрон тижорат пайдо бўлганига қисқа фурсат бўлганига қарамай, бу фаолият билан боғлиқ АҚШ бозорларида йилига ўртacha 1,5-2 трлн. АҚШ доллари миқдорида маблағлар айланади<sup>1</sup> (1-жадвал).

Умуман олганда электрон тижорат бу савдо соҳаси сифатида таърифланган, компьютер тармоқлари орқали пул ва савдо операцияларини амалга оширадиган, шу жумладан операцияларни бажариш учун зарур бўлган бизнес жараёнлар: электрон маркетинг, хужжат айланиши, товарлар / хизматларни етказиб бериш каби жараёнларни ўзида жамлаган замонавий фаолият туридир. Ўз навбатида электрон тижорат тизими уч синфга бўлинади:

- Чакана савдони ташкил қилиш бўйича (бизнес-истеъмолчи, B2C) – olcha.uz, abad.uz, texnoman.uz;
- Бизнес ҳамкор билан алоқлар ўрнатиш (бизнес-бизнес, B2B) – market.vsm.uz;
- Истеъмолчилар ўртасидаги савдо (истеъмолчи-истеъмолчи, C2C); Мисол сифатида – olx.uz, uzybor.uz, e-auksion, www.ebay.com кабиларни келтириш мумкин.

*Афзалликлари ва камчиликлари.* Тадбиркорликни интернет орқали ривожлантириш бизнес чегараларини ва халқаро бозорга чиқиши имкониятини кенгайтиради, ҳафтада етти кун давомида сотишга, истеъмолчиларга вақтни тежаш билан сифатли, кулай ҳамда кўплаб миқдордаги танлов имконияти мавжуд бўлган турли хилдаги товар ва хизматларни кулай нархларда сотиб олиш каби афзалликларини таклиф этади. Масофавий хизматларнинг кенгайиши бошқа соҳаларга, масалан, етказиб бериш учун транспорт воситаларига бўлган талабни оширади ва шу каби соҳаларни янада ривожланиши учун мухим омил бўлиб хизмат қиласди. Мисол учун, “Амазон” компанияси эндилиқда электрон савдолардаги товарларни етказиб беришда дронлар хизматидан фойдаланмоқда. Прогнозларга кўра, 2019 йил охирига келиб, сотувларнинг 60 фоизи интернет орқали амалга оширилди.

- Асосий афзаллик бу катта молиявий инвестициялар ва харажатларни талаб қилмасдан, жаҳон бозорига чиқиши қобилиятидир. Ушбу савдо турига чекловлар жуғрофий жиҳатдан аниқланмаган. Бу истеъмолчиларга глобал танловни амалга ошириш, керакли маълумотларни олиш ва жойлашувидан қатъий назар барча потентсиал етказиб берувчиларнинг таклифларини таққослаш имконини беради. Бундан ташқари:

- Якуний истеъмолчи билан тўғридан-тўғри алоқа туфайли, онлайн тадбиркор воситачилар тармоғини қисқартиради, баъзида уларни бутунлай йўқ қиласди. Бу ишлаб чиқарувчи ёки хизмат кўрсатувчи провайдер ва охирги фойдаланувчи ўртасида тўғридан-тўғри канал яратади, бу эса мақсадли бозорнинг индивидуал имтиёзларига жавоб берадиган маҳсулотлар ва хизматларни таклиф қилишга имкон беради.

- Электрон тижорат етказиб берувчиларга ўз мижозларига яқинроқ бўлишга имкон беради, бу эса компанияларнинг самарадорлиги ва ракобатбардошлигини оширишга олиб келади. Натижада, истеъмолчи хизмат сифатининг яхшиланишига олиб келади, бу эса яқинликка, шунингдек сотишдан олдин ва кейин қўллаб-қувватлашга имкон беради. Электрон тижоратнинг ушбу янги шакллари туфайли энди истеъмолчилар кунига 24 соат онлайн дўконларга эга бўлмоқдалар.

- Кам харажатлар, одатда электрон тижорат билан боғлиқ бўлган яна бир мухим устунликдир. Муайян иш жараёни қанчалик содда ва қулай бўлса, унинг муваффақият қозониши эҳтимоли шунча катта бўлади. Бу транзакция харажатлари ва мижозларга тўланадиган нархларнинг сезиларли даражада пасайишига олиб келади.

Ҳар кандай соҳанинг ўзига хос афзалликлари билан бирга ушбу соҳаларда бартараф этилиши лозим бўлган омиллар ҳам мавжуд бўлади. Шунингдек электрон тижорат фаолиятида ҳам, хусусан Ўзбекистонда, электрон тижоратни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган бир қанча сабаблар мавжуд: Биринчидан, зарур инфраструктуранинг ҳали ҳам етарли даражада такомиллашмагани, шунингдек Республикаизда фаолият юритаётган интернет дўконларининг сони (ҳозирда расмий

<sup>1</sup> <https://unctad.org/press-material/global-e-commerce-hits-256-trillion-latest-unctad-estimates>

маълумотга кўра Ўзбекистонда 49 та интернет дўконлари мавжуд) етарли даражада кўп эмаслигини келтириш мумкин. Шу жумладан:

- Асосий сабаблардан бири бу Республиkaning барча аҳолиси интернет тармоғи билан таъминланмаганлиги (Хозирги кунда аҳолининг 72 % интернет тармоғидан фойдаланади. 1-расмда кўрсатилган), шунингдек уларнинг аксарияти интернет-дўконларга киришга мойил эмас. Кўпгина харидорлар учун маҳсулотга "тегиниш" ва визуал баҳолаш қобилияти муайян маҳсулотни сотиб олишда ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Бу ҳолат электрон тижорат билан шугулланиш учун зарур бўлган йирик бозор яратиш имконини бермайди;


- Интернетнинг глобал тармоғи билан тўгридан-тўғри боғланган провайдерлар сони чекланган миқдорда ва бунинг натижасида интернет мижозларга провайдер ўртасида биридан иккинчисига ташиш орқали етказилмоқда, маълумки бундай ҳолат хизмат кўрсатишнинг сифатига салбий таъсир кўрсатади.

- Кўпгина сайтларнинг тасодифийлиги ва маълумотларнинг ҳаддан ташқари кўп юкланиши потентсиал мижозларни жалб қилиш ва ушлаб туришни қийинлаштиради, яъни профессионал веб-сайт яратиш ва унинг фаолияти самарадорлигини баҳолаш қобилиятини келтириб чиқаради;

- Интернет-маркетинг ва реклама соҳасида профессионал мутахассисларнинг етишмаслиги, улар кўрсатадиган хизматларнинг паст сифатига олиб келади;

- Тизимда тез бузиладиган маҳсулотларни сотиш имконияти чекланганлиги;

- Кўпчилик ҳолатларда етказиб бериш муддатининг кечикиши, товарларни қайтаришда мумкин бўлган муаммолар.



1-расм. Аҳолининг интернет тармоғидан фойдалаланувчилари сони

Электрон тижорат механизмларининг ривожланиши ва барқарор ишлаши учун зарур бўлган шарт-шароитлар тўғрисида дастлабки хulosаларни чиқарган ҳолда, қуйидаги хulosса ва таклифларни келтириш мумкин.

- Электрон тижорат соҳасида чуқур илмий изланишлар олиб бориш зарур. Илмий-амалий конференсиялар ўтказиш, хорижий давлатлар билан ҳамкорликда лойиҳалар яратиш, илмий ишлар, мақолалар ёзиш, шу соҳада интернет-ресурсларини, медиа материалларини яратиш, доимий форум ва виртуал кўргазмалар ташкил этиш, кадрлар таёrlашда электрон тижоратнинг нафақат техник, балки иқтисодий ва ҳуқуқий хусусиятларини ҳам инобатга олиш, энг асосий муаммолардан бири – малакали кадрларни тайёрлаш учун олий таълим муассасаларида замон талабларига жавоб берувчи комплекс лабораторияларни яратиш лозим;

- Аҳолига телекоммуникация-алоқа хизматларни кўрсатиш соҳасида рақобатни кучайтириш. Бу эса ўз навбатида алоқа компаниялари томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатининг ошишига, нархлар даражасининг тушишига ва электрон тижорат учун маълум интернет зонасининг яратилишига олиб келади.

- АКТ соҳасига инвестицияларни киритиш учун ва унда чуқур ислоҳотларни олиб боришда қулай ҳуқуқий шароитнинг кўрсатилган тартибида доимий мавжуд бўлишини таъминлаш;

- Ахборот технологияларининг бутун Ўзбекистон бўйлаб кенг тарқалишини таъминлаш. Нафақат вилоят марказларида, балки чекка қишлоқларда ҳам ахборот технологияларининг жорий қилиниши электрон тижорат ҳажмининг юқори даражада ошишига олиб келади.

- *Online-banking* тизимини бутун республика бўйлаб самарали жорий қилиш. Бу улгуржи ва чакана савдо билан шуғулланаётган тадбиркорлар учун ўз товар ва хизматлари билан интернет тармоғи орқали эркин савдо қилиш имкониятини оширади.

Ўзбекистонда электрон тижоратнинг ривожланиши истиқболлари. Электрон тижорат рақобат кучайтириш ва харажатларни тежаш, бизнес манфаатларининг глобал миқёсида кенгайиши шароитида истеъмолчилар учун имтиёзлар ва тадбиркорликни ривожлантириш учун, шу жумладан савдо шерикларини биргаликда тижорат билан савдо тармоқларини бошқаришда катта имконият яратади. Умуман, электрон тижоратни ривожлантириш жамиятимиз учун қўплаб имкониятлар эшигини очади десак муболага бўлмайди.

- Электрон тижоратнинг ривожланиши Ўзбекистон меҳнат бозори структурасига ижобий таъсир кўрсатади. Юкори ахборот-коммуникация технологияларини саноат корхоналарида кенг қўлланилиши натижасида минглаб янги иш ўринлари яратилади.

• Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарорлашиши, товар ва хизматларнинг рақобатбардошлиги кучайиши ва электрон тижорат ривожланишининг бир вақтда содир бўлиши мамлакат экспорт ҳажмининг ошишига олиб келади.

- Электрон тижорат ахоли турмуш даражасининг яхшиланишини, маркетинг, менежмент каби соҳаларнинг ривожланишини таъминлади.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда электрон тижоратни ривожлантириш имкониятлари йилдан йилга ўсиб бораётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Унинг ривожланиши ишлаб чиқарувчиларга янги бозорларни очиш, янги мижозлар топиш имкониятларини яратади. Электрон тижоратни ривожлантириш бўйича танланган ва амалдаги йўлдан тўғри бориш, келажакда Ўзбекистон иқтисодиётини жаҳон бозорининг етакчи вакилларидан бирига айлантиради. Ўзбекистонда электрон тижорат бўйича мавжуд муаммоларни ҳал қилишнинг тўғри йўли танланганлиги халқ фаровонлиги, жамиятимизнинг тараққий топишида, мамлакатнинг иқтисодий ривожланишида ўз аксини топади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 14-майдаги ПҚ-3724-сонли “Электрон тижоратни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.
2. Kobelev O.A. Elektron tijorat: darslik / nashr. prof. S.V. Pirogov. - 2-nashr, qayta ko'rib chiqilgan. va qo'shing. - M.: "Dashkov va Ko" nashriyot-savdo korporatsiyasi, 2006. - S. 14.
3. Yurasov A.V. Elektron tijorat asoslari, Hotline-Telecom, Moskva, 2007 yil
4. Anil, K.: Introduction to e-commerce. <http://www.ddegjust.ac.in/study-material/mcom/mc201.pdf> (2019)
5. Global Ecommerce: Statistics and International Growth Trends (Infographic). <https://www.shopify.com/enterprise/global-e-commerce-statistics> (2018)
6. <https://unctad.org/press-material/global-e-commerce-hits-256-trillion-latest-unctad-estimates>
7. <https://mitc.uz/uz/stat/7>
8. <https://stat.uz/uz/2>



**РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ВА АҲБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**  
**DIGITAL ECONOMY AND INFORMATION TECHNOLOGY**

**Илмий электрон журнал | Scientific electronic journal**

*Muharrir*

***Yaxshiyev H.T.***

*Musahhih va dizayner*

***Matxo'jayev A.O.***

*Texnik muharrir*

***Mirzayev J.O.***

Litsenziya AI № 240 04.07.2013. Bosishga ruxsat etildi 07.11.2022.

Qog'oz bichimi 60x80 1/16. Times garniturası. Raqamli bosma.

Shartli bosma tabog'i: 23,3. Adadi 50 nusxa.

«IMZO PRINT MEDIA GROUP» XKning matbaa bo'limida chop etildi.  
100066. Toshkent shahri, Islom Karimov ko'chasi, 49-uy.



📞 +998 71 239-28-41  
 🌐 <http://dgeconomy.tsue.uz/>  
✉️ dgeconomy\_tdiu@mail.ru, dgeconomy@tsue.uz  
📍 100066, Toshkent shahri, Islom Karimov ko'chasi, 49-uy.



**COLORPACK**  
время ярких решений